

Уламолар ташрифи халқимизни мамнун қилмоқда



19:00 / 15.07.2021 2235

Юртимиз уламоларининг Тошкент вилоятига ташрифлари ҳудудларга фойз, кўнгилларга қувонч бағишламоқда.

Бугун 15 июль куни “Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф” жоме масжиди имом-хатиби Исмоил домла Муҳаммад Содиқ Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳар “Амир ўғли Ҳасанбой” жоме масжидига ташриф буюрдилар. Ташрий асносида юртимизда диний соҳада бўлаётган ижобий ўзгаришлар, шарт-шароитлар ҳақида маълумотлар берилди. Шунингдек, бугунги кунда долзарб бўлиб турган мавзуда маърузалар, савол-жавоблар бўлди. Илмий суҳбат сўнгида жамоат билан дуолар қилинди.

Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown



Image not found or type unknown




Image not found or type unknown



Image not found or type unknown




Image not found or type unknown



Бундан ташқари “Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф” жоме масжиди имом-ноибни Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид “Ҳовузлик” жоме масжидига, Тошкент шаҳар бош имом-хатиби ўринбосари Абдуқаҳҳор Юнусов “Дониёр ибн Озод”, Тошкент шаҳар “Мирза Ғолиб” масжиди имом-хатиби Муҳаммадхон Султонхонов Бўстонлик туманидаги “Имоми Аъзам” масжидларига ташриф буюришди.

Image not found or type unknown





Пешин намозидан сўнг шукроналик, юртимизда диний-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижалари, бемазҳабсизликдан эҳтиёт бўлиш мавзуларда қилинган маърузалар намозхонларни тўлқинлантириб юборди.

Шунингдек, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси маслаҳатчиси Салоҳиддин домла Шарипов Бўстонлиқ туманидаги “Олимжон ота”, Ислом цивилизация маркази масъул ходими Аброр Мухтор Алиёв домла ва Тошкент вилояти бош имом-хатиби Жасурбек домла Раупов Чирчиқ шаҳридаги “Марказий” жоме масжидида, “Юнусобод оқтепа” масжиди имом-хатиби Нуруллоҳ Обидов “Ҳамд”, “Фирдавс” масжиди имом-хатиби Бахтиёр Сатторов “Чувалачи” масжидларига ташриф буюриб, пешин намозидан

сўнг маърузалар қилиб беришди.

Image not found or type unknown





Image not found or type unknown



Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг биринчи ўринбосари Ҳомиджон қори Ишматбеков Бўстонлиқ туманидаги “Хўжакент” масжидига ташриф буюриб, янгидан қурилаётган жомени кўздан кечирди. Намозхонларга қулайликлар яратиш мақсадида зарур маслаҳат ва тавсияларни берди.

Шунингдек, Тошкент шаҳри Сергели туманидаги “Нўғайқўрғон” жоме масжиди имом-хатиби Ёрқинжон домла Қултоев Зангитота туманидаги “Умир” жоме масжиди қурилиши билан яқиндан танишди.

Уста ва қурувчилар ҳамда Аллоҳнинг байтига ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан хизмат қилаётган саховатпеша кишиларнинг ҳақларига хайрли

дуолар қилинди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Иброҳимжон домла Иномов эса Бўстонлиқ туманидаги “Ҳазрати Усмон” жоме масжиди атрофидаги маҳаллаларга ташриф буюриб, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, эҳтиёжманд ва бемори бор оилалар ҳолидан хабар олди. Уларга “Вақф” хайрия жамоат фондинг пул маблағлари ҳамда совғаларини топширди.